

МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛДІРІЛЕНДІРИҮ

№ 1-1 2020 жыл



ISSN 2181-7138

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
A. Тилегенов

Шөлкемлестириүшілер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимленидириү
Министрлигі, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Редколлегия ағзалары:

Максет АЙЫМБЕТОВ
Нагмет АЙЫМБЕТОВ
Аманжол АЯПОВ
Өсербай ӘЛЕҮОВ
Байрамбай ӨТЕМУРАТОВ
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбай МИРСАНОВ
Айдын СУЛТАНОВА
Норбек ТАЙЛАКОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Бекзод ХОДЖАЕВ
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинеті
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қаравы менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм
хабар агентлигі тәрепинен 2007-
жылы 5-мартта дизимге алынды
№OA-044-санлы гүйалық
берилген.
Мәнзіл: Некис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniiipnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналга келген мақалаларға жуіап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан
алынған үзіндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимленидириү» журналынан алынды, дең корсетилиүи
шарт. Журналға 5-6 бет көлеміндегі материалдар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифт-
тіндеге электрон версиясы менен бирге қабыл етіледі. Мақалада көлтирилген маглыұматтарға автор
жуіапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲЭМ ӘДЕБИЯТ

Бурханов А.А. Лингвистические особенности русского просторечия	4
--	---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Абдуллаев А.А. Халқ ўйинларидан фойдаланиш ўқувчиларни баркамол қилиб тарбиялаш йўллари	10
Вайсова Ё.М. Баркамол шахс тарбиясини ташкил этишда педагогик технологияларнинг ўрни	13
Ўтаев А.Й. Интеграцияли таълим имкониятлари	16
Ахмадалиев Б.С., Матмуродов А.К. Талабаларнинг технология фанларни ўқитилиши самарадорлигини ошириш йўллари	19
Абдурахманова Ж.Н. Инновацион тажриба майдони – “мақтаб–лаборатория”нинг таълим тизимидағи ўрни	22
Кадирова X.А. Бўлажак ўқитувчиларда халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларни маънавий –аҳлокий тарбиялаш фаолияти ва қасбий муҳим сифатлари	26
Абдиримова И.К. “Педагогик таълим инновацион кластери” - мақсадлар умумийлиги ва манфаатлар хусусийлиги ҳақида	31
Кошанова Н. М. Синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини оширишда педагогик таълим кластерининг ўрни	35
Тилакова М.А., Эшманова Н.Н. Креативлик қобилиятини ривожлантириш механизmlари	42
Тоштемирова С.А. “Мактаб–лаборатория” инновацион тажриба-синов майдончаларидан “иктидор” лойиҳасини шакллантириш механизmlари	46
Ходжамкулов У.Н. “Мактаб - лаборатория” инновацион тажриба майдончаси	53
Тоштемирова С.А. Таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион гояларнинг аҳамияти	56
Умарова З.А. Педагогик жараёнда зиддиятларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш имкониятлари	62
Мусурманов Р., Қодирова X.А. Оилада фарзанд тарбияси муаммолари	66
Жўманова Ф.У. Ёшларда ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш усуллари	68
Шернаев А.Ў. География дарсларида самарадорлигини оширишда хариталардан фойдаланишинг аҳамияти	71
Эрназарова Г.О. Акмеологик ёндашув таълим жараёнини ривожлантириш сифатида	75
Якубова М.Ю. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни такомиллаштириш	78
Ўтаев А.Й., Бурханов А.А. Функция учителя на уроках русского языка в узбекской школе ..	81
Абдулахатов А.Р., Ҳудойберганов. Ж.С., Қурбонова М.Э. Образовательный кластер - как ресурс инновационного развития региона	84
Исламова М.Ш. Место психологических услуг в личном развитии	89
Абдужалилова Ш.А. Трансформация принципов семейного воспитания	91

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУЎХИЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Шарипов М.Л. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти	94
Abduxamidov S .M. SHarq xalqlari ma’naviy hayotining yuksalishida so’fiflik ta’limotining o’rni	98

Абдижалилова Ш.А., Кадирова Х.А., Кадирова А.А. Халқ педагогикасида миллий дүнёкашын шакллантириши	102
---	-----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Эшқораев Қ.А., Норкұлов А.Ғ., Наримбетова З.А. Математика фани тұғараларини ташкил этиш ва ўтказиш бойынча услугбий тавсиялар	106
Солаева М.Н., Эшқораев Қ.А., Сейтов А.Ж. Баъзы бир мисолларни ажайиб лимитлар ёрдамида ионананавий услугблардан фойдаланиб ечиш усууллари	109
Халмұхамедова М.А. Нақшбандия тарықаты воситасида талабаларнинг касбий компетентлігінің тәкомиллаштырылыш (технологоқ таълим мисолыда)	113
Radjabov B.SH., Matmurodov A.K., Abdullayev SH. A. Aniq emas integralni xisoblash usullari mavzusini oʻqitishda klaster metodidan foydalanish	118

БАСЛАЙШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Болиева Л.Ш. Мактабгача таълимда соғлом турмуш тарзини яратында халқ ўйинлари	122
Шанасирова З.Ю. Мактабгача таълим мазмунини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланишда кластер тизими	125
Каримжонов А., Жабборова О.М. Бошлангич синф ўқитувчиларининг компетентлик фаолиятини ривожлантиришнинг динамик тизими	128
Муталова Да.А. Мактабгача таълимда интерактив методлар – сифат ва кластер самарадорлик омили	131
Жабборова О.М., Аҳмедова Н.Ш. Бошлангич таълим ислоҳотлари ва кластер методи	133

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

Амонов А. Ўзбекистонда спорт машъяласи маросими уч боскичли оммавий спорт-соғломлаштыриш ишлари тизимининг ижтимоий мотивациян асоси сифатида	138
Расулов З.П. Тренерга хос касбий тайёргарликни тәкомиллаштыришнинг назарий асослари	143
Абдулахатов А.Р., Очилов Э.О. Олий таълим муассасалари талабаларига курашнинг тарбиявий аҳамиятини ўргатищ ийўллари	148
Маматкулов Р.С., Хамраева М.Т. Практическая подготовка и особенности его организаций в педагогических университетах	151
Ачилов Т.С., Жўрабоев М. М. Профессиональная подготовленность специалиста по физической культуре и спорту	156

БҮЛАЖАҚ ЎҚИТУВЧИЛАРДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ АСОСИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МАЊНАВИЙ –АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ ФАОЛИЯТИ ВА КАСБИЙ МУҲИМ СИФАТЛАРИ

Кадирова X.А.

Тошкент вилояти, Чирчиқ давлат педагогика институти “Педагогика ва менежмент” кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: халқ оғзаки ижоди, мањнавий –ахлоқий тарбия, халқ эртаклари ва достонлари, инсонпарварлик, илм ва хунар, фольклор, мактаб-оила боғча-оила.

Ключевые слова: фольклор, духовно-нравственное воспитание, народные сказки и эпопеи, гуманизм, наука и ремесла, фольклор, школа-семья, детский сад-семья.

Key words: folklore, spiritual and moral education, folk tales and epics, humanism, science and crafts, folklore, school-family, kindergarten-family.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди XX–XI асрлардан бери халқ орасида тарбиявий восита сифатида кўлланиб келмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидлаганидек, болаларни мањнавий-ахлоқий тарбиялаш давр талаби ҳисобланниб, бунда оғзаки ижодининг ўрни ва аҳамияти жуда катта, бинобарин, мазкур омилининг аҳамияти кўплаб алломалар томонидан қайд этилган.

Хусусан, ҳикматларнинг комил инсон тарбиясидаги аҳамиятини таъкидлаб, Кайковус “Қобуснома” асарида “Агар ақлли бўлишини истасанг, ҳикмат ўрган ақл ҳикмат билан камол топади” деб уктиради.

Сукрот эса фольклор асарларнинг аҳамиятини таъкидлаб, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади: “Мен қадимги донишмандларнинг бизга колдириб кетган ақл дурдоналирини кўзда кечираман, агарда биз уларда нимадир яхши бир нарсага дуч келсак, уни ўзгартириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган бўламиз”, дейди у.

Хозирга қадар ўзбек тарбияшунослиги халқ оғзаки ижодининг турли жанрларига баҳишланган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда: хусусан, халқ оғзаки ижодининг тарбиявий хусусиятларини ёритишга қаратилган ишлар тадқиқотлар эътиборга моликидир.

Болаларни халқ оғзаки ижоди асосида мањнавий-ахлоқий тарбиялаш муаммосини ўрганиш ва таҳлил этиши бу борадаги қатор омилларни ўрганиши талаб этади.

Болаларни халқ оғзаки ижодига оид асарлар воситасида асосида тарбиявиялаш бола нутқини захираси ва тафаккур даражасини юксалтиради;

Халқ оғзаки ижоди материаллари мазмунидан келиб чиқиб, болаларга “яхши” ва “ёмон” тушунчасини сингдириш, шу асосида инсонда муҳаббат хиссини тарбиялаш.

Мактабгача таълим муассасаларининг аксарият тарбиячилари машғулотларда халқ оғзаки ижоди материалларидан кам фойдаланадилар. Умумий ўрта таълим мактабларида эса баҳшилар билан суҳбат ўтказиш, халқ эртаклари ва достонлари асосида кечалар этиш, мунозара ва адабий кечалар ўтказишга эътибор берилмайди.

Халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганинг яна бир сабаби мазкур йўналишда тарбиячи-ўқитувчиларнинг ота-оналар билан алоқаси бир мунча суст йўлга қўйилгандир.

Биз оиласда болаларни халқ оғзаки ижоди материаллар асосида мањнавий –ахлоқий ҳолатини ўрганиши натижаси шундай хуносага келдик.

1) кекса ота-онахонлари бор оиласарда халқ оғзаки ижоди материаллари, хусусан, мақоллардан фойдаланимайды.

2) умуминсоний, диний ҳамда оиласавий айнана ва қадриятлар асосида тарбиявий ишлар сифатли йүлгә қўйилган оиласарда халқ оғзаки ижоди материалларидан тарбиявий максадда фойдаланишига катта эътибор берилади.

3) ёш оиласарда халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятлардан тартибсиз ва камдан-кам фойдаланилади, айрим ёш ота-онлар фарзандларга учун эртак китоблари харид қиссаларда, эргакларни ўзлари мустақил айтиб бера олмайдилар. Болаларга алла айтишида ҳам унинг мусиқани қўлласаларда, алланинг сеҳрли сўзларини кўлламайдилар.

Оиласарда фольклор асарларидан фойланнишда йўл қўйилаётган камчиликларнинг асосий сабаблари қўйдагилардан иборат:

- айрим ота-оналарнинг маънавий саводхонлигини юкори даражада эмаслиги;
- улар халқ оғзаки ижодига доир адабиётлардан бехабарлар;
- акасарият ота-оналар халқ оғзаки ижоди материалларини тарбиявий имкониятларга етарлича боҳо бера олмайдилар;
- айрим оила бошликлари фарзанди тарбиясига бирмунча бепарво карайдилар.

Маънавий-ахлоқий тарбияга йўналтирган фольклор асарлари саралаб олингач, ота-оналарнинг булардан фойдаланиш, булар мазмунини англаш ва болаларга қизиқарли килиб етказишларга эришиш учун қўйдагиларга аҳамият қаратиш зарур:

1. Ота-оналар билан фольклор асарлари мазмуни ҳакида суҳбат ташкил этиши.
2. Халқ оғзаки ижоди асарлари ташловини ташкил этиши.

Масалан, мақоллар халқ оғзаки ижоди турларидан бири сифатида ўзининг қадимиyllиги, миљиийлиги, маънавий таъсиричанлиги билан инсоният баркамоолигини таъминлашда мухим ўрин тутади.

Мақоллар мазмуни ва мавзу доирасининг ниҳоятда серкирралигини назарда тутиб, унинг тарбиявий имкониятларидан кенгрок фойдаланиш максадида ота-оналар ва тарбиячилар ўз тарбиявий ишлар режасига мувофиқ қўйдагича мақоллар тизимини ишлаб чиқиш мумкин.

Ўқитувчилар (тарбиячилар) ва ота-оналар учун мақоллар тизими

№	Тарбиявий имконияти	Мақол мазмуни
1	Ватанга муҳаббат	Булбул чаманин севар, одам- Ватанин. Ватанинг вайронаси-умрнинг гамхонаси. Юрти бойнинг- ўзи бой.
2	Инсонпарварлик	Инсон кўли чўлни достон килар. Каттага хурматда, кичикка иззатда бўл. Устоз отангдек улуғ.
3	Илм ва хунар	Билған билганинни ишлар, билмаган бармоғини тишлар. Билим-кучда, куч –билимда. Билимли ўзар, билимсиз тўзар. Билим баҳт келтирадар. Билимсизга иш йўқ, ишсизга ош йўқ.

4	Хүшёрлик ва эхтиёткорлик	Душман сирининг ўтиглайди, дўст хатонгни тўтиглайди. Душманга бўйин эгма. Офат кўрмай десанг ҳушёр бўл.
5	Яхши сўз	Яхши сўз-жон озиғи. Ширин сўз -шакрдан ширин. Оз сўзла-соз сўзла.
6	Мақтандочоқлик ва манманлик	Камтарга- камол, манимага завол. Сен ўзингни мақтама, сени бирор мактасин. Ўзлари хон, кўланкалари майдон.
7	Очкўзлик ва баҳиллик	Бахилнинг боги кўкармас. Бирорвага берсам эссиш ошим, уйда турса сасир ошим. Сахий билан баҳил бир кудукдан сув ичмас.
8	Панд-насиҳатлар	Аввал ўзингга бок, кейин ногора қок. Аклингга акл кўш, жаҳлингга –сабр. Бир каттани гапига кир, бир кичикнинг. Гапни гапир уқканга, жонни жондек сукканга. Болта тушгунча, кунда дам олар. Бош омон бўлса, дўппи топилиар.

Халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишининг дидактика жиҳатларини лойихалаш:

- мақсад аниқлиги,
- замонавийлиги,
- илмийлиги,
- лойҳалаштирилганлиги,
- муайян изчилилка эгалиги каби тамойиллар назарда тутилади.

Мактабгача таълим муассасалари ва бошланғия синфда халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб, болаларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг шакл ва усуслари таркибида қўйдагиларни келтириш мумкин:

1. Сайр чогида сухбат.

“Маколхонлик”, “Фаройиб саргузаштларга бой эртак”, “Топган тополок” эртакларни ташкил этиш.

1. Кундадик аҳборотлар таҳлили, шу жараёнда маколлар, эртаклар, топишмоқлар, хикоя ва ривоятларга мурожаат этиш.

2. Маколлар билимдонини аниқловчи “Зукколар” мусобакаси.

3. Педагог -тарбиячи маслаҳати (давра сухбати).

4. Мактаб-оила боғча-оила ҳамкорлигига ота-оналар ва болалар иштирокида эртакларни саҳналаштириб кўрсатишга қаратилган “Она-бала, гули лола” кечаларни ташкил этиш.

“Зукколар” мусобакасида иштирокчиларига қўйдагича ярми яширилганмақоллар тақдим этилади.

Обрў мисқоллаб келади.....(ботмонлаб кетади)

Инсон қўнгили тошданқаттиқ.....(гулдан нозик)

Оталар сўзи.....(ақлнинг сўзи)

Ўзингда йўқ.....(оламда йўқ)

Ўйин шарти иштирокчилари мақолнинг давомини айтиб, ўзларининг мақол борасидаги билимдонликларини намойиш этадилар. Шу тариқа маколлар тўғри кўлланишишга ўрганадилар.

Педагог-тарбиячи маслаҳатига асоланган тарбиявий тадбирда эртак ва масалаларда кўлланиладиган мақоллар юзасидан сұхбатлар ўтказилади. Бунда матн сўнгидаги қиссадан-хисса тарзида кўлланилган мақолларнинг тарбиявий мазмуну ҳакида болалар билан сұхбат мунозара ўтказилади.

Таълим-тарбия жарёнида мақолнинг сифати, болаларнинг ёшига мос бўлиши, таълими-тарбиявий аҳамиятига кўра, саралаб олинганлиги ушбу жараёнда ўзига хос мезон вазифасини ўтайди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида дастонлар авлодлар дунёкараши ва педагогика оламининг кўзгуси бўлиб, комил инсонни тарбиялашда ўзига хос бебаҳо қадриятлардан бири ҳисобланади. Зоро халқ дастонлар қаҳрамонларининг саргашлари, уларнинг қийинчиликларини енгиз, ҳар жиҳатдан чиникиб бориши ҳар бир ёш учун ибратдир. Достонлар халқнинг ўзлигини, тилини, урф-одатларини, қадиятларни анъаналарни ифодалаб берувчи кўзгу эканлигини юкорида таъкидладик. Халқ донишмандлиги руҳи билан сугорилган достонларни чукур ва атрофлича ўрганиш эса ёш авлоднининг маънавий камолотини юксалтиришга хизмат қиласди.

“Достон” сўзи қисса, хикоя, шон-шуҳрат, саргузашт, таъриф ва мактоб маъноларида ишлатилади. Адабий атама сифатида тасвирланган воқеа-ҳодисалар якка шахс, фавқулотда куч курдига эга бўлган халқ идеалигига баҳодир аторофиға бирлаштиради. Бадиий адабиётига асосан иккни усулда юратилган дастонлар бор. Биринчisi, асрлар давомида халқ оғзаки ижодида баҳшишлар томонидан оғзаки тарзда куйланиб келинган достонлар бўлса, иккинчisi, ёзма шаклда шоирлар томонидан ижод килинган достонлардир. Масалан “Алпомиш”, “Гўрўғли” туркумидаги дастонлар “Малика айёр”, “Равшан”, “Кунтугмиш”, “Рустамхон” кабилар оғзаки достонлар намуналардир. “Гул ва Наврўз”, “А.Навойининг” “Хайратул аброр”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби асарлари эса зма адабиётдаги достонлар ҳисобланади. Оғзаки ижоддаги достонларни баҳшишлар куйлайдилар. Қадимда “Бахши” сўзи халқона усууллар билан беморни даволовчи “табиб” айрим, худудларда “устоз” маъноларини англатади. Бугунги кунда халқ достонларини куйлайдиган санъаткор маъносини билдиради. Достонлар ҳам шеърий, ҳам насрый парчалардан иборат бўлиб, баҳши соз чертганда созанди, шеърий парчаларни кўйига солиб айтганда хонандага айланади. Ижрочи баҳшишлар дўмбира, тор, дутор чалиб, қўбиз чертиб достон айтганлар. Шу боис достончилик кечалар ҳар тингловчи учун катта байрам бўлган. Бундай кечаларда одамлар ўттасидаги ҳамма гинахонликлар унутилган, турмуш ташвишлари чекинган. Ана шундай умрбокий асарлардан бири “Алпомиш” достонидир. “Алпомиш” достонидаги воқеалар ҳаётлигига ва таъсирчанлиги билан ажralиб туради, мардлик, фидоийлик, самисмият, тўғрилик, ҳамиятлилик, дўстга содиклик, ёрга вафодорлик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлардан иборат бўлган ўзбек миллий рухияти якъол қўринади.

“Зевархон” достонида Зевар ва Малика Хубон ўтрасидаги чукур инсоний муносабатлар, висол ва хижрон, вафо ва садоқат, дўстлик тараннум этилади.

“Кунтугмиш” достонида ёшларнинг қасб-хунар ўрганишга ундовчи мисралар беҳисоб. Қиличхон лақабли подшонинг Кунтугмиш деган ёлғиз ўғли бўлиб, ўн тўрт ёшга тўлгунча илм –хунар ўрганади, қасб –камолот ҳосил қиласди. Ўн тўрт ўшдан кейин эса қиличбозлиқ, милтиқ отиш, найзабозлик, кўпкари чопиш каби сипоҳилик хунарларини ўрганади, ҳар томонлама комил шахзода бўлиб этишади .

“Равшан” достони ҳам ишқий-саргузашт достонидир. Бу достон ҳам “Гўрўғли” туркумига мансуб бўлиб, пок ва самимий мухаббатни кўйловчи, мақсадга эришиш ўйлида мардлик ва ботирликни улуғловчи, зулм ва адолатсизликни қораловчи асардир.